

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.06.2020.В.70.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УЗАКОВ ЗАФАР ЗАИРОВИЧ

**ОҒИР МЕТАЛЛАРНИНГ СУҒОРИЛАДИГАН ТУПРОҚЛАРДА,
САБЗАВОТ-ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИДА ТЎПЛАНИШИ ВА УЛАРНИНГ
ЭКОЛОГИК ҲОЛАТИ**

03.00.10 – «Экология»

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents dissertation of doctor of philosophy (PhD)

Узаков Зафар Заирович

Оғир металлларнинг суғориладиган тупроқларда, сабзавот-полиэ экинларида
тўпланиши ва уларнинг экологик ҳолати.....5

Узаков Зафар Заирович

Накопление тяжелых металлов в орошаемых почвах, овощных-бахчевых
культурах и их экологическое состояние.....21

Uzakov Zafar Zairovich

The accumulation of heavy metals in irrigated soils, vegetables-melons and their
ecological state.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....43

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.06.2020.В.70.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УЗАКОВ ЗАФАР ЗАИРОВИЧ

**ОҒИР МЕТАЛЛАРНИНГ СУҒОРИЛАДИГАН ТУПРОҚЛАРДА,
САБЗАВОТ-ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИДА ТЎПЛАНИШИ ВА УЛАРНИНГ
ЭКОЛОГИК ҲОЛАТИ**

03.00.10 – «Экология»

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/B495 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.qarshidu.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Каримов Хусниддин Нагимович

кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Мамбетуллаева Светлана Мирзамуратовна

биология фанлари доктори, профессор

Абдрахманов Тохтасин

кишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, профессор

Етакчи ташкилот:


Бухоро давлат университети


Диссертация ҳимояси Қарши давлат университети ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.06.2020.B.70.03 рақамли Илмий Кенгашнинг 2021 йил "28" 10 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел.: (0375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz). Қарши давлат университети, Педагогика факультети, 201 хона.


Диссертация билан Қарши давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (66-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси 17. Тел.: (0375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил "12" 10 кун тарқатилди.
(2021 йил "___" _____ даги № ___ - рақамли реестр баённомаси).



 Ш.К. Курбонов
Илмий даража берувчи илмий кенгаш
раиси, биология фанлари доктори, профессор

 Ш.А. Саматова
Илмий даража берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, биология фанлари номзоди, доцент

 J.X. Ёзиев
Илмий даража берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
биология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё микёсида токсик таъсир этувчи элементлар атроф муҳитга салбий таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган маҳсулотларнинг ифлосланишига олиб келмоқда. Шунга кўра, экологик тоза маҳсулот етиштириш, тупроқ унумдорлигини тиклаш, экологик ҳолатини яхшилаш ҳамда қишлоқ хўжалиги ерларида етиштирилаётган маҳсулотлар таркиби соф, экологик жиҳатидан тоза бўлишига қаратилган чора-тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда тупроқнинг экологик жиҳатидан ифлосланиш ҳолатини аниқлашга ҳамда тупроқ қатламларида токсикантларнинг ҳаракатчан шаклларининг тўпланишига, атроф-муҳитни ифлосланган нукталарини белгилашга, экинлардан юқори ва сифатли ҳосил олишга қаратилган илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан, бир қанча давлатларда оғир металл ва қолдиқ пестицидларни тупроқ экологик ҳолатига салбий таъсирини камайтириш ва ифлосланиш ҳолатини баҳолаш ишларини такомиллаштириш, салбий жараёнларни аниқлаш, ифлосланиш ҳолатини асослаш, ердан фойдаланувчилар томонидан тупроқнинг экологик ҳолатини таҳлил қилиш ва чора-тадбирларни такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда тупроқ таркибида келиб тўпланаётган токсик таъсир этувчи элементларни аниқлаш ва камайтириш, атроф-муҳит ҳолатини яхшилаш ва ифлосланган майдонларни реконструкция қилиш бўйича муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ “қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш” бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда жумладан, республикамизнинг барча вилоятларида кенг фойдаланиб келинилаётган қишлоқ хўжалиги майдонларини экологик ҳолати ёмон экин ерларини аниқлаш, токсикантлар билан ифлосланган майдонларнинг экологик хариталарини яратиш, шакллантирилган экологик хариталар қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган экинларнинг токсик муҳитда кўп тарқалган элементларни кам ўзлаштирувчиларини танлаб экишда муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2019 йил 17 июндаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”² ПФ-5742-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сонли “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 03 июндаги 343-сон Қарорида 2021-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит мониторинги дастурига киритилган “Тупроқларни ифлослантирувчи манбалар мониторинги” ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳитни муҳофазаси” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Суғориладиган тупроқлар, ўсимликлар таркибида оғир металлларнинг тўпланиши ва уларнинг таъсирини аниқлаш бўйича хорижлик олимларидан В.В. Добровольский (1988), Ю.Н. Водяницкий (2008), А.П. Виноградов (1957), Ю.В. Алексеев (1987), Л.И. Даль (2015), В.К. Лукашев (1996), В.Б. Ильин (1991), Кабата-Пендиас А (1989), А.Ф. Титов (2014), С.Л. Давыдова (2002), А.М. Семушев (2003), Р.Х. Пожидаева (2006), С.Г. Малахов (1983), М.М. Овчаренко (1995), А.В. Бердникова (1981), А.В. Рудь (2007), В.Н. Савосько (2016), Н.П. Неведров (2017), А.К. Сагателян (2013), С. Reimann (1998), Нгуен Чунг Киен (2015), Li.Wei-Xin (2008), D.L. Sparks (2020), W. Mertz (1993), K.G. Tinker (2001), M.A. Turner (1994) ҳамда Ўзбекистонлик олимлардан Х.Т. Рискиева (1990), Х.Х. Турсунов (1990), Т. Абдрахманов (1995), С.М. Мамбетуллаева (2015), Х.Н. Каримов (1996), Р.Р. Рискиев (2000), С.А. Низамов (2006) каби бир қатор олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

Бироқ, ушбу тадқиқот ишлари Марказий Ўзбекистон ҳудудида ҳозирги кунда тупроқ таркибида тўпланиб бораётган оғир металллар ҳамда қолдиқ пестицидларнинг микдорларини акс эттирувчи экологик хариталарини тузиш ва тупроқнинг экологик ҳолатини баҳолаш ҳамда токсикантларни кам ўзлаштирувчи ўсимликлар қаторини ишлаб чиқиш ҳақида тўлиқ маълумот бера олмайди. Шунга кўра, олиб борилаётган ушбу диссертация ишини тадбиқ этиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №БВ-И-ҚХ-2018-06 “Тупроқларнинг агроэкологик ҳолатини яхшилаш агротехнологиясини Қашқадарё вилояти саноат корхоналари атрофида тарқалган суғориладиган тупроқларида жорий этиш” (2018-2019 йй.) ва №ФЗ-201906147 “Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган экин майдонларнинг токсик моддалар билан захарланиш даражасидан келиб чиқиб 3D картасини тузиш ва экологик тоза маҳсулотлар етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш” (2020-2023 йй.) инновация ва амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тупроқ таркибида мавжуд токсик элементларни аниқлаш орқали уларни экологик ҳолатини баҳолаш, тупроқ таркибида оғир металлар, қолдиқ пестицидлар ва шўрланиш ҳолатидан келиб чиқиб ҳудуднинг экологик хариталарини тузиш ҳамда сабзаёт-полиэкинларида оғир металларнинг тўпланиши бўйича ўсимликларни жойлаштиришга қаратилган экологик қаторини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Қашқадарё вилояти Ғузур тумани суғориладиган ўтлоқи-бўз ва бўз-ўтлоқи тупроқлари ҳамда ўсимликлари таркибидаги токсик оғир металлар миқдорини таҳлил этиш;

антропоген таъсир орқали тупроқ қопламида токсикантларни тўпланишини баҳолаш;

қишлоқ хўжалик экинларининг токсик моддалар билан ифлосланиши ҳолатини аниқлаш ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш;

ҳудуд тупроқларининг экологик 3D ҳамда экологик шўрланиш хариталарини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қашқадарё вилояти Ғузур тумани Бўстон массиви суғориладиган ўтлоқи-бўз ва бўз-ўтлоқи тупроқлари ҳамда айрим қишлоқ хўжалиги экинларининг экологик ҳолати олинган.

Тадқиқотнинг предметини тупроқ, тупроқнинг экологик ҳолати, агроэкоцизмлар, оғир металлар, пестицид қолдиқлари, тупроқнинг шўрланиш экологик хариталари ҳамда тупроқнинг экологик уч ўлчовли 3D харитаси ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар дала ва лаборатория шароитида олиб борилган бўлиб, тупроқ, ўсимлик ва уларнинг органларида оғир металлар таҳлиллари атом-абсорбцион усули билан ААS лампали аппаратида, қолдиқ пестицидларни гексанли муҳит тайёрлаш орқали Масс хроматограф аппаратида текширилган, олинган маълумотларнинг статистик таҳлили “Microsoft Excel” компьютер дастури ҳамда Н.А. Плохинский, А.В. Соколов, Г.Ф. Лакин ва Б.А. Доспеховнинг услуги бўйича амалга оширилган, ўрганилган ҳудуд тупроқларининг экологик 3D хариталарини тузиш ишлари “Blender” - 3 ўлчамли моделлаш дастури, “Abode Illustrator” - инфографика дастури, “Abode Photoshop” - расмлар дизайни ҳамда тупроқ шўрланиш хариталари “ArcGIS” геоахборот дастурларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

саноати ривожланган ҳудуд тупроқлари таркибидаги ҳаракатчан шаклдаги ва токсик таъсир қилувчи кимёвий моддалар миқдорининг вегетация даврида ўзгариш қобилияти аниқланган ва биологик айланиш тизимига ўтишини ҳисобга олган ҳолда, оғир металларнинг ҳаракатчан шаклини тупроқ-ўсимлик тизимида тўпланиши баҳоланган;

оғир металларнинг хавфлилиқ даражаси бўйича ўта хавфли, яъни 1-синфга кирувчи Se, As, Pb, Cd, Zn, 2-синфга мансуб Ni, Cu, Cr элементларининг ҳаракатчан шакллари рухсат этилган миқдорлардан бир неча баробар юқори эканлиги аниқланган;

сабзавот ва полиз экинлари таркибида оғир металлларнинг аккумуляцияси рухсат этилган меъёрлардан ортганлиги очиб берилган;

худуд тупроқларининг шўрланиш даражаси баҳоланган ҳамда тупроқ шўрланиш экологик хариталари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

бир неча йиллар давомида антропоген таъсир натижасида тупроқ таркибида токсикантларнинг тўпланиши сабаблари очиб берилган;

оғир металллар ҳамда пестицид билан ифлосланиш ҳолатидан келиб чиқиб ўрганилган худуд тупроқларининг экологик 3D ва экологик шўрланиш хариталари тузилган;

токсик таъсир этувчи элементлар билан ифлосланган худудларда қишлоқ хўжалик экинларининг таркибида оғир металллар аккумуляцияси бўйича ўсимликлар қатори ишлаб чиқилган;

худуд тупроқларининг токсикантлар билан ифлосланишини бартараф этиш учун ҳар бир дала контурининг экологик ҳолатини баҳоловчи, яъни тупроқ қатламлари кесимида оғир металллар ва қолдиқ пестицидлар миқдорини ақс эттирувчи экологик 3D ҳамда экологик шўрланиш ҳолати хариталарининг бўлиши зарурлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда тадқиқот натижаларининг лаборатория ва дала тажрибалари умум қабул қилинган услублар асосида бажарилганлиги, Қарши давлат университети ҳамда Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтининг махсус ташкил этилган апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланганлиги, қўйилган вазифаларга ҳамда тупроқнинг экологик ҳолатини тадқиқ этишга комплекс ёндошилганлиги, тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти янги замонавий компьютер дастури асосида маълумотларга математик-статистик ишлов берилганлиги, замонавий геоахборот тизимидан фойдаланилганлиги, тупроқнинг экологик 3D харитаси тузилганлиги, олинган маълумотларни республика ва халқаро конференцияларда муҳокама этилганлиги ҳамда Олий Аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган нуфузли хорижий ва республика журналларида чоп этилганлиги ҳамда олинган натижаларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти суғориладиган ўтлоқи-бўз ва бўз-ўтлоқи тупроқларда оғир металллар ҳамда қолдиқ пестицидлар билан тупроқ қатламларининг ифлосланиши ўрганилганлиги, тўпланиб бораётган токсикантларнинг сабзавот-полиз экинлари органларида аккумуляцияси, оғир металлларнинг қишлоқ хўжалик экинларида тўпланишидан келиб чиқиб сабзавот-полиз экинларини токсикантларга қарши тура оладиган қаторининг тузилганлиги, тузилган экологик хариталар асосида қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган экинлардан экологик соф маҳсулот олиш усуллари билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тупроқнинг экологик ҳолатига кўра қишлоқ хўжалик майдонларида оғир металлларни ўзида гипераккумуляция қилиш қонуниятига тесқари пропорционал турувчи сабзавот-полиз

ўсимликларини (помидор → ковок → шолғом → булғор калампири → ковун → тарвуз → сабзи) жойлаштиришга қаратилганлиги; суғориладиган тупроқларда оғир металлларнинг хавфлилик даражаси бўйича ўта хавфли, яъни 1-синфга кирувчи Se, As, Pb, Cd, Zn, 2-синфга мансуб Ni, Cu, Cr, 3-синфга кирувчи Mn элементларининг тўпланиши ҳамда қолдиқ пестицидлар бўйича тупроқнинг экологик 3D хариталари ва экологик шўрланиш ҳолатини акс эттирувчи хариталарини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: Оғир металлларнинг суғориладиган тупроқларда, сабзаёт-полиэ экинларида тўпланиши ва уларнинг экологик ҳолати бўйича олинган илмий натижалар асосида:

суғориладиган тупроқларда оғир металлларнинг хавфлилик даражаси бўйича ўта хавфли, яъни 1-синфга кирувчи Se, As, Pb, Cd, Zn, 2-синфга мансуб Ni, Cu, Cr, 3-синфга кирувчи Mn элементларининг тўпланиши бўйича тупроқнинг экологик 3D харитаси Қашқадарё вилояти Ғузор тумани, Бўстон массивининг Бурхон ҳамда Ғузор оқ тулпори фермер хўжаликларида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2021 йил 15 июлдаги №04-02/8-2275-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу харитада келтирилган маълумотлар фермер хўжаликларида мавжуд ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш имконини берган;

қишлоқ хўжалигида экин ер майдонларини токсик элементлар билан ифлосланишини ҳисобга олган ҳолда сабзаёт-полиэ экинларини жойлаштириш бўйича тавсиянома Қашқадарё вилояти Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси фаолиятида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2021 йил 15 июлдаги №04-02/8-2275-сон маълумотномаси). Натижада етиштирилаётган қишлоқ хўжалик экинларидан экологик соф-тоза маҳсулот олиш бўйича чора-тадбирларни олиб бориш имконини берган;

суғориладиган тупроқ шўрланишининг экологик харитаси “Бурхон” фермер хўжалигининг 47,4 гектар, “Ғузор оқтулпори” фермер хўжалигининг 180 гектар майдонига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2021 йил 15 июлдаги №04-02/8-2275-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу харитада келтирилган маълумотлар фермер хўжаликларида мавжуд ерларнинг унумдорлигини ошириш ҳамда экологик жиҳатидан самарали бўлган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имконини берган;

тупроқнинг экологик ҳолатига кўра (*Solanum lycopersicum*) помидор → (*Cucurbita*) ковок → (*Brassica rapa* L) шолғом → (*Capsicum annuum*) булғор калампири → (*Cucumis melo*) ковун → (*Citrullus lanatus*) тарвуз, (*Daucus carota*) – сабзи ўсимлик турларининг тупроқ таркибида мавжуд оғир металлларни аккумуляциясига доир хулосалар Қашқадарё вилояти Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси фаолиятида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2021 йил 15 июлдаги №04-02/8-2275-сон маълумотномаси). Натижада сабзаёт-полиэ экинлари таркибида оғир металлларнинг рухсат

этилган меъёрлардан ортишини олдини олиш, тупрокнинг ифлосланиш ҳолатидан келиб чикиб, токсикантларни кам ўзлаштирувчи экинларни танлаб экишни йўлга қўйиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси: Мазкур тадқиқот апробация натижалари жами 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги: Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий мақола чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларни чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 2 таси республика, 2 таси хорижий журналларда нашр этилган, 1 та тавсиянома ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 116 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, тадқиқотларнинг мақсади, вазифалари ҳамда объекти ва предметлари тавсифланган. Республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқот усуллари, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий қилинганлиги ва апробацияда ижобий баҳоланганлиги, нашр этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тупроқларнинг турли антропоген омиллар таъсирида токсик элементлар билан ифлосланиши ҳамда уларнинг миграцияси (адабиётлар шарҳи)”** деб номланган биринчи бобида тупроқларни оғир металллар билан ифлосланиши ва уни баҳоланишнинг ўрганилганлик даражаси, ҳозирги замон глобал муаммолардан бўлмиш тупроқларнинг токсик элементлар ифлосланиши, тупроқларнинг шўрланиш ҳолатларини, уларга антропоген омилларнинг таъсирини ўрганиш, тупроқнинг экологик аҳамияти, турли саноат, қишлоқ хўжалиги, автотранспорт манбалари орқали ифлосланиши, натижада биохилма-хилликнинг пасайиши, токсик элементларнинг атмосфера-сув-тупроқ қобиклари орқали миграцияси, ўсимликлар томонидан токсик элементларнинг аккумуляцияси, тупроқда оғир металллар концентрациясининг ошиши, ўсимлик ва барча организмлар учун хавфли эканлиги, оғир металллар тупроқнинг физик, кимёвий ва биологик хусусиятларини ўзгартириши, оғир металллардан кадмий ва кўрғошиннинг инсон организмга меъёридан ортик тўпланиши асосан қишлоқ хўжалиги майдонларида етиштирилаётган маҳсулотлар орқали эканлиги, тупроқларнинг ифлосланиши натижасида микробиоценозларнинг камайиб кетиши, тупроқларнинг ифлосланишини

баҳолаш бўйича экологик 3 D хариталарнинг афзалликлари бўйича хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган.

Диссертациянинг **“Танланган ҳудуднинг агроэкологик ҳолати, илмий тадқиқот объекти ва услублари”** деб номланган иккинчи бобида объектнинг географик ўрни, ҳудуд тўғрисидаги умумий маълумотлар, ҳудудда тарқалган тупроқлар тавсифи, иқлим шароити, табиати, ер фонди ва ундан фойдаланиш, суғориладиган тупроқларнинг хосса ва хусусиятлари, тупроқларнинг шўрланиши, ҳудуд тупроқларига антропоген таъсир этувчи манбалар, илмий тадқиқот объекти ва услублари ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Типик бўз тупроқлар минтақасида қадимдан суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлар асосан шўрланмаган ёки кучсиз даражада шўрланган, биринчи метрда тузлар миқдори фақат 0,5-0,9% гача. Ушбу тупроқлар оч тусли бўз тупроқлар минтақасида кўп ҳолларда юқори даражада шўрланган.

Тупроқлар турли даражада шўрланган, кучсиз шўрланган тупроқлар 47,2% ни, ўртача – 12,20% ни, кучли – 2,1% ни, жуда кучли шўрланган тупроқлар майдони 1,7% ни ва шўрланмаган тупроқлар майдони 36,9% ни ташкил этади. “Бурхон” фермер хўжалигининг сувда осон эрувчи тузларнинг тупроқ профилидаги умумий миқдори қуруқ қолдиқ бўйича 0,22-0,24% дан 0,39-0,45% гача бўлган миқдорларни ташкил этади, шундан хлор иони миқдори 0,031-0,059%, сульфатлар (SO_4) 0,093-0,311%, “Ғузур оқ тулпори” фермер хўжалигининг суғориладиган ўтлоқи-бўз тупроқларида мос равишда 0,255-0,26% дан 0,325-0,495%, 0,017-0,014%, сульфатлар эса 0,169-0,352% кўрсаткичларида кузатилади. Шўрланиш типи барча ҳолатларда хлорид-сульфатли шўрланиш типларидан иборат. Ўрганилган бўз-ўтлоқи тупроқлардаги грунт сувларининг минераллашганлик даражаси 1,66-2,42 г/л ни ташкил этгани ҳолда, бу кўрсаткичлар зовур сувларида 6,95-13,91 г/л миқдорларида қайд қилинди. Шўрланиш химизми грунт сувларида сульфатли, Зовур сувларида эса хлорид сульфатли.

Тадқиқотлар учун асосий объект сифатида Суғориладиган ўтлоқи-бўз, лалми тупроқлар, суғориш ва сизот сувларининг ва ўсимлик маҳсулотларининг экологик ҳолатини ўрганиш Қашқадарё вилояти Ғузур тумани “Бўстон” массиви мисолида олиб борилган бўлиб, дала шароитида ўрнатилган кесмалардан 0-30, 31-50, 51-80, 81-100, 101-150, 151-200 см қатламлардан тупроқ, қишлоқ хўжалиги экинлари намуналар олиниб, кимёвий таҳлиллар ўтказилган.

Тупроқ, сув ва ўсимлик маҳсулотларида кимёвий таҳлилларни ўтказишда тупроқ механик таркиби Н.А.Качинский услуби бўйича, гумус – И.В. Тюрин усулида, умумий NPK – Гинзберг ҳамда Щелова усулларида, нитрат азоти – ионоселектив усулда, аммоний азоти – Несслер реактиви билан колориметрик усулда, ўзлаштирилувчи фосфор – Б.П.Мачигин бўйича, алмашинувчи калий – алангали фотометр ёрдамида, оғир металллар “Атом-абсорбцион” усулда, пестицидларни аниқлашда гексанли муҳитда “Масс хроматограф” аппаратида, тадқиқотларни бажаришда тупроқларни агрокимёвий хоссалари, оғир металллар, пестицидларни аниқлаш бўйича кимёвий-аналитик услублардан

фойдаланилган. Тупроқни умумий кимёвий, физик-кимёвий таҳлиллари умумий қабул қилинган услублар бўйича Е.В. Аринушкина (1970) ва НИХИ (1963, 1977) қўлланмалари асосида бажарилган. Тупроқ намуналарини микробиологик таҳлил қилишда тупроқ микробиологиясида умумий қабул қилинган (Звягинцев Д.Г. Методы почвенной микробиологии и биохимии. Москва, 1991; Йожеф Сеги Методы микробиологии и биохимии почв. Будапешт, 1986; Большой практикум по микробиологии. Под ред. Г.Л. Селибера, Москва, 1962) усулидан фойдаланилган.

Тупроқ экологик хариталарини тузиш “Оператор” геоахборотлар тизими орқали олинган жой тасвирини уч ўлчамлигига айлантириш мураккаб бўлган пайтларда лойиҳада белгиланган ҳудудларнинг экологик 3D хариталарини тузиш ишлари “Blender” - 3 ўлчамли моделлаш дастури, “Abode Illustrator” - инфографика дастури ҳамда “Abode Photoshop” - расмлар дизайн дастурлари асосида олиб борилган. Тупроқ шўрланиш экологик харитаси “ArcGIS” геоахборот дастури асосида амалга оширилган.

Диссертациянинг **“Ҳудуд тупроқларининг токсик элементлар билан ифлосланиши бўйича олинган натижалар ва уларнинг таҳлили”** деб номланган учинчи бобида тупроқ қатламларида оғир металлларнинг миграцияси мониторинги, ҳудуд тупроқларининг қолдиқ пестицидлар билан ифлосланиш ҳолати ҳақидаги маълумотлар келтирилган.


Тупроқларнинг хайдов ва хайдов ости қатламларида (0-30 см, 31-50 см) кўрғошин элементининг РЭМдан 2,3-2,0 баробар, 51-80 см қатламига бориб эса 2,2 маротабага ортиб бориши аниқланган. Пастки қатламлар томон РЭМ (рухсат этилган меъёр) даражасида тўпланиши кузатилган (1-расм).

Хром ва никель элементларининг тупроқни пастки қатламлари томон ҳаракати натижасида, кадмий элементи каби, бу элементларнинг РЭМ дан юқори миқдорларда тўпланиши қайд этилган (1-расм).

Санитария қоидалари ва меъёрлари маълумотларида ҳаракатчан никель учун РЭМ 4 мг/кг. 2018-2019 йиллардаги маълумотларга кўра 1-кесманинг 0-30 см қатламида 7,25 маротабага, 51-80 см қатламда эса ўртача 34,5 мг/кг да эканлиги, РЭМ дан 8,6 маротабагача ортган, 4 кесманинг 51-80 см қатламида эса 10,3 маротабага ортиқ.

Хром элементи эса деярли барча кесмаларда РЭМ даражасида ва 1-кесманинг 31-50 см дан 81-100 см қатлам томон 6,85→7,22→6,33 маротабага ортиб, қолган кесмаларда тупроқ қатламлари бўйлаб 41,2 мг/кг гача тўпланиб тупроқ экологик ҳолатининг бузилиши, яъни, РЭМдан 6,87 маротабагача ортганлиги аниқланган. Кўрғошин элементининг хайдов қатламида 14,0 мг/кг бўлиши ҳамда пастки қатламларда ҳам (31-50, 51-80 см) 12,0-13,0 мг/кг атрофида учраши аниқланган. Қолган қатламларда ҳам тупроқ учун РЭМ (6 мг/кг ҳаракатчан шакл учун)дан ортиқ тўпланганлиги аниқланган.

Тупроқ таркибида кадмий элементининг ҳаракатчан шакли учун РЭМ 0,5 мг/кг этиб белгиланган. Энг кўп миқдор 1-кесманинг 51-80 см бўлган қатламида учраган бўлиб, 0,75 мг/кг тўпланган. Бу эса РЭМ кўрсаткичидан 1,5 маротабага юқори эканлиги аниқланган.



1-расм. 2018-2019 йилларда экологик жиҳатидан Бурхон фермер хўжалиги экин ер майдонларининг оғир металллар билан ифлосланиш даражаси

“Бурхон” фермер хўжалиги ер майдонларидан контурлар бўйича тупрок кесмалари олинган бўлиб, ҳар 20 гектар майдондан битта асосий ҳамда иккита ёрдамчи кесмалар олинган ва статистик таҳлиллар асосида экологик хариталар учун маълумотлар тайёрланган.

Хром – элементи “Бурхон” фермер хўжалигининг 221 ва 229 контур майдонларида элемент миқдори РЭМдан жуда кам бўлиб, 218, 219, 225 ва 226 контур майдонларида РЭМдан ортиб бориши кузатилган.

Беда экилган 225-контур майдонида 7,16-7,19 мг/кг, 226-контур майдонида эса минерал моддаларнинг кўп ишлатилиши сабабли тупрокнинг 151-200 см қатламлари томон РЭМдан 1,3 маротабага ортиши кузатилган.

Худди шундай, хром элементи 221-контурда тарқалган тупроқларда ҳайдов қатламда пастки қатлам томон 0,04-0,05 мг/кг атрофида эканлиги қайд этилди. Аммо 2018-2019 йилларда олинган контурда тарқалган тупрок намуналарида хром элементи РЭМ кўрсаткичидан 4,45-7,22 маротабага ортиб бориши аниқланган (2-расм).

2018-2019 йилларда инновация лойиҳаси давомида олиб борилган агротадбирлар натижасида 2020-2021 йилларда олинган таҳлилларда хром элементи ўртача 4 маротабага камайиши кузатилган.


“Ғузур оқ тулпори” фермер хўжалигида хром элементи 107, 113, 116, 121, 123-контурларидан олинган тупроқларнинг 0-30 см қатламида 5,79-16,88 мг/кг, пастки 151-200 см қатламларда эса 11,52-20,69 мг/кг атрофида РЭМ кўрсаткичидан кўтарилиб бориши кузатилган (3-расм).

Барча контур экологик жиҳатидан никель билан юқори, ўрта ва паст даражада ифлосланган. Энг юқори кўрсаткич 226-контурнинг 0-30 см бўлган қатламида 48,48 мг/кг, РЭМ кўрсаткичидан 12,12 маротабага ортган. 220 ҳамда 223-контурларнинг 0-30 см қатламида 1,45-1,52 маротабага кўпайиши кузатилган.


“Ғузур оқ тулпори” ф/х тупроқ қатламларида никель элементининг тўпланиши кам эканлигини кузатиш мумкин. Фақат 107-контурда 101-150 см бўлган қатламда 49,89 мг/кг, 151-200 см бўлган пастки қатламда 35,48 мг/кг учраб, РЭМ кўрсаткичидан 12,47-8,87 мартага ортган.

Тупроқ таркибида кўрғошиннинг ҳаракатчан шакли учун РЭМ 6 мг/кг бўладиган бўлса, бурхон фермер хўжалиги тупроқларида 2020 йил маълумотларида келтирилишича, энг кам кўрсаткичлар яйлов тупроқларида кузатилган. Суғориладиган ва лалми майдонлардан олинган 0-30 см бўлган қатламда кўрғошин элементининг тупроқ таркибида тўпланиши 17,35 миллиграммдан 31,38 миллиграммгача ортиб бориши кузатилган бўлиб, РЭМ кўрсаткичидан 2,89-5,23 мартагача ортган.

Барча металлар каби тупроқ қатламларида тўпланиши кузатилган, лекин марганецнинг тупроқнинг қатламлари бўйлаб пастки қатлам томон камайиб бориши кузатилган. Масалан, бу ҳолатни иккала фермер майдонидан олинган кесмаларда, яъни “Бурхон” ф/х 218, 219, 220 ҳамда 223-контурларда, “Ғузур оқ тулпори” фермер хўжалигидан олинган 110, 111, 113, 115 ҳамда 116-контурларида 62,07-2,36 мг/кг гача тўпланиши аниқланган.



2-расм. 2020-2021 йилларда экологик жиҳатидан Бурхон фермер хўжалиги экин ер майдонларининг оғир металлар билан ифлосланиш даражаси



3-расм. 2020-2021 йилларда экологик жиҳатдан Ғузор ок тулпори фермер хўжалиги экин ер майдонларининг оғир металллар билан ифлосланиш даражаси

Бу ҳолат марганецнинг тупроқ қатламларида кам эканлигини кўрсатди. “Бурхон” ф/х 225-контур тупроқларининг 0-30 см қатламида 295,7 мг/кг, пастки қатлам томон 146,4 мг/кг гача камайиб бориши кузатилган.

Марганецнинг юқори кўрсаткичлари 226-контурдан олинган тупроқ кесмасида аниқланган бўлиб, 476,19 мг/кг дан, пастки қатлам томон 200 см томон 230,85 мг/кг гача ўзгаришини, лалми 229-контурдан олинган 0-30 см қатламида 413,62 мг/кг дан, пастки қатлам томон 57,40 мг/кг гача камайиб боришини кузатиш мумкин.

“Ғузур оқ тулпори” ф/х майдонидан олинган 4-8 кесмаларда селеннинг тупроқ қатламларида тарқалиши айнан марганец ва темир элементининг тарқалишига мос келиб, бир текис тарқалиш кузатилган. Бунда темир элементи 80,15 мг/кг дан пастки қатлам томон 6,72 мг/кг, марганец элементи 57,98 мг/кг дан пастки қатлам томон 2,36 мг/кг, селен элементи эса 3,59 мг/кг дан 0,3 мг/кг атрофида тўпланиши қайд этилган.

Хулоса ўрнида оғир металлларнинг тарқалиши РЭМ даражасидан кўп эканлиги аниқланган. Токсик таъсир этувчи қолдиқ пестицидлар айнан фермер хўжаликлар томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан кўп ҳосил олиш мақсадида зараркунандаларга қарши хлорорганик пестицидларнинг кўп қўлланиши сабабли тупроқ таркибида ҳозирги вақтгача уларнинг барча турлари РЭМ дан кўплиги аниқланган.

Пестицидларнинг ГХЦГ (гексахлорциклогексан) ва унинг метаболитлари учун тупроқ таркибида рухсат этилган миқдор (РЭМ) 0,1 мг/кг ни ташкил этади. Бурхон ф/х 226-контур тупроқларидан олинган кесмаларнинг барча 0-30 см қатламидан α -ГХЦГ пастки томонларга қараб тўпланиши ва бу элементнинг парчаланиши бошланганлигидан дарак беради.

1-кесманинг барча қатламларидан олинган намуналарда β -ГХЦГ 0-30 см қатламда 2,46 марта, 31-50 ва 51-80 см қатламларда 2,12 ва 2,18 марта, 81-100 см қатламда эса 2,53 мартага, 101-120 ва 121-150 см қатламларда эса 1,94 ва 2,01 мартагача, 2-кесмадан олинган натижаларда ҳам β -ГХЦГнинг кўриниши бошқа кесма туроқлари каби энг юқори кўрсаткичларда эканлиги аниқланган ҳолда 0-30 см қатламда 3,53 мартага, 150 см қатламга томон аккумуляцияси РЭМлардан юқорилиги куйидагича: 3,53 \rightarrow 2,68 \rightarrow 2,80 \rightarrow 2,02 \rightarrow 2,03 \rightarrow 2,50. 3-кесмада эса бу кўрсаткичлар 0-30 см дан 121-150 см қатламларда куйидаги кўринишда эканлиги қайд этилди: 2,23 \rightarrow 1,03 \rightarrow 1,12 \rightarrow 0,93 \rightarrow 1,36 \rightarrow 1,26.

γ -ГХЦГ кесмаларда тўпланиши бўйича барча қатламларнинг 0-30 см бўлган қатламлардан пастки қатламларга томон камайиб бориши кузатилган. РЭМдан энг юқори кўрсаткич фақат 2-кесмада аниқланиб, яъни РЭМдан 1,5 баробар юқори эканлиги аниқланган.

Таҷриба майдони 1-кесмага тааллуқли бўлиб, тупроқ таркибида қолдиқ ДДЕ (дихлордифенилдиҳлорэтилен), ДДД (дихлордифенилдиҳлорэтан) ва ДДТ (дихлордифенилтрихлорметилметан) метаболитлари тупроқ профилининг пастки қатламларига тўпланиши бошланган. Масалан, 1-кесманинг 0-30 см ли қатламида ДДТ РЭМдан 2,6 баробар юқори бўлиб, тупроқнинг пастки профили бўйлаб куйидагича тўпланиши кузатилган: 2,6 \rightarrow 3,2 \rightarrow 3,1 \rightarrow 3,5 \rightarrow 3,1 \rightarrow 3,1 баробар. Айнан шундай ҳолат ГХЦГ ва унинг метаболитларида ҳам

аниқланган. γ -ГХЦГ миқдори, ДДД каби, барча кесмаларда бир неча баробар кам эканлиги кузатилган.

Диссертациянинг “Токсик элементларнинг тупроқ микроорганизмлар уюшмасига ва қишлоқ хўжалиги экинларига таъсири” деб номланган тўртинчи бобида микроорганизмларнинг токсик муҳитда тарқалиши, турли хилдаги қишлоқ хўжалиги экинларида оғир металлар миқдори ҳамда ўсимликларни жойлаштириш бўйича экологик қатори тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган сабзавот ва полиз экинларида тўпланиб бориши кузатилаётган элементларни таҳлил қилиш учун сабзавот ва полиз экинларидан *Brassica rapa* – шолғом, *Solanum lycopersicum* – помидор, *Citrullus lanatus* – тарвуз, *Capsicum annuum* – булғор қалампери, *Daucus carota* – сабзи, *Cucurbita pepo* – ковок, *Cucumis melo* – қовун, мевали дарахтлардан *Prunus armeniaca* – ўрик танлаб олинган.

Шолғом ўсимлиги илдизмевали ўсимлик бўлиб, илдиз мевасида Al элементи 105 мг/кг эканлиги кузатилган, яъни, РЭМ кўрсаткичидан 3,5 марта кўплиги аниқланган. Бундан ташқари танланган экинлардан сабзида 59 мг/кг эканлиги қайд этилган бўлиб, РЭМдан 1,97 мартага ортиқ эканлиги аниқланган.

Тарвуз қисмлари алоҳида текширилганда қуйидаги натижалар олинган. Энг юқори кўрсаткич тарвуз мағзида бўлиб – 41 мг/кг, тарвузнинг уруғ қисмида 12,25 мг/кг, тарвуз кўк пўстида 15,0 мг/кг учраган бўлса, унинг оқ пўст қисмида бу кўрсаткич 19,0 мг/кг эканлигини кўрсатган. Тарвузда ўртача 21,81 мг/кг атрофида алюминий элементи бўлиши рухсат этилган меъёрдан ошмаслиги мумкин, лекин инсон учун истеъмол қилинадиган қисмида бу элемент РЭМдан 1,37 мартага ортиқ эканлиги аниқланган.

Сабзавот ва полиз экинлари ҳамда ўрик мевасида металлардан Al элементи РЭМдан юқори тўпланиши аниқланган. Энг кўп миқдор шолғом ўсимлигида тўпланиши аниқланган бўлиб, бу кўрсаткич инсон саломатлиги учун хавфли ҳисобланади.

Маргимушнинг сабзавот ва полиз экинлари учун РЭМ 0,2 мг/кг эканлигини ҳисобга олиб, юқорида айтиб ўтилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таҳлилларига кўра помидор, қовун ва тарвуз мағизларида, сабзи ҳамда булғор қаламперида бир оз юқорилиги қайд этилган.

Кадмий элементини сабзавот ва полиз экинлари учун рухсат этилган миқдори 0,03 мг/кг бўлиб, мониторинг ўтказилган барча ўсимликларда элементнинг РЭМдан юқори эканлиги аниқланган. Энг юқори кўрсаткич қовун пўстлоғида эканлиги, яъни 0,07 мг/кг бўлиб, РЭМдан 2,3 мартабага ортиқ, хром – элементининг полиз ва сабзавот экинлари учун РЭМ 0,2 мг/кг бўлиб, энг юқори кўрсаткич шолғом илдизмеvasида тўпланганлиги аниқланган бўлиб, бу кўрсаткич РЭМдан 2,35 мартага, помидорда эса 2,15 мартагача ортиқ эканлиги аниқланган.

Мис элементининг помидор ўсимлигида тўпланиши РЭМ дан 3,3 мартага ортиши, қовун мағзида тарвуз мағзига қараганда 14 мг/кг ортиқ тўпланиши аниқланган. Мис элементи сабзавот ва полиз экинларида қуйидагича пасайиб

борувчи қаторни ташкил этган: помидор → қовоқ → шолғом → яшил булғор қалампири → қовун → тарвуз → сабзи.

Симоб элементи қовун ва қовоқ пўстлоқларида кузатиш мумкин бўлиб, 0,0204-0,0201 мг/кг ташкил этган. Тарвузнинг пўстида эса 0,181 мг/кг учраши қайд этилган. Экологик жиҳатидан истеъмол учун яроқли бўлган қисмларида 0,004-0,014 мг/кг атрофида эканлиги кузатилган.

Помидор ҳамда қовоқ ўсимлигида никельнинг миқдори 1,608-1,763 мг/кг бўлиб, мос равишда РЭМ кўрсаткичидан 3,22-3,53 марта ортиқ эканлиги кузатилган. Қовоқ пўстида ҳам никельнинг миқдори 0,389 мг/кг аниқланган. Тарвузнинг кўк пўсти, оқ қисми, мағзи ва уруғ қисмларга бўлиб текширилганда фақатгина тарвузнинг оқ қисмида РЭМдан 1,38 мартага ортиқ, қўрғошин элементи тарвуз қисмларида турли миқдорларда бўлиб, энг кўп тарвуз мағзида 1,07 мг/кг, РЭМдан 2,13 марта кўп, оқ қисмида 0,52 мг/кг тўпланган. Қовун мағзида 0,78 мг/кг бўлиб, РЭМдан 1,56 мартага ортиқлиги, помидор ва булғор қалампирида 1,54-1,50 мг/кг тўпланган бўлиб, РЭМдан ўртача 3,0 мартага ортиқ эканлиги аниқланган. Бу ҳолат экологик жиҳатидан истеъмол учун хавfli бўлиб, инсон саломатлигида турли хил касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган сабзавот-полиз экинларида оғир металлларни аккумуляциси бўйича қуйидаги пасайиб борувчи қаторни ташкил қилиб, токсик элементлар билан ифлосланган майдонларда экологик ҳолат бўйича ўсимликларни жойлаштириш тавсия этилади.

Тадқиқ этилган Қашқадарё вилояти Ғузор тумани “Бурхон” ф/х турли хил экин майдонлари микрофлорасини ўрганиш натижасида барча намуналарда асосий физиологик гуруҳ микроорганизмларининг миқдори меъёрдан паст эканлиги ва актиномицетлар умуман учрамади. Бу ҳолатни ҳудуд тупроқлари токсик элементлар билан юқори даражада ифлосланганлигининг натижаси деб қараш мумкин.

Хулоса ўрнида, барча қишлоқ хўжалиги ўсимликлари таҳлиллари шуни кўрсатдики, ўсимлик органларида токсикантларнинг тўпланиши кўп миқдорларда эканлигини кўрсатди.

ХУЛОСАЛАР

1. Сувда осон эрувчи тузларнинг тупроқ профилидаги умумий миқдори курук қолдиқ бўйича “Бурхон” фермер хўжалигининг суғориладиган ўтлоқи-бўз тупроқларида 0,22-0,24% дан 0,39-0,45% ни, хлор иони миқдори 0,031-0,059% ни, сульфатлар (SO_4) 0,093-0,311% ни, “Ғузор оқ тулпори” фермер хўжалигида эса мос равишда 0,255-0,26% дан 0,325-0,495% ни, 0,017-0,014% ни, сульфатлар эса 0,169-0,352% ни, грунт сувларининг минераллашганлик даражаси 1,66-2,42 г/л ни ташкил этади.

2. Тупроқ таркибида β -ГХЦГ (гексахлорциклогексан) энг юқори кўрсаткичларда эканлиги аниқланган ҳолда 0-30 см қатламда рухсат этилган меъеридан 3,53 марта кўп тўпланиб қолганлиги, 150 см қатлам томон унинг аккумуляцияси юқорилиги ва қуйидаги кўринишда тўпланиб бориши аниқланган: рухсат этилган меъеридан 3,53 \rightarrow 2,68 \rightarrow 2,80 \rightarrow 2,02 \rightarrow 2,03 \rightarrow 2,50 марта кўп.

3. Тупроқ таркибида мавжуд оғир металллар рухсат этилган меъер даражасидан 12 мартагача, қолдиқ пестицидларнинг ГХЦГ ҳамда ДДТ (дихлордифенилтрихлорметилметан) метаболитлари билан ифлосланиш ҳолатининг сақланиши тупроқ профили бўйлаб юқорилигича қолган, яъни, γ -ГХЦГ - РЭМ даражасидан 7-8 марта, β -ГХЦГ - 3,5-4 мартага, α -ГХЦГ – 5 мартагача, ДДТ-17 мартагача юқори.

4. Қишлоқ хўжалик майдонларида оғир металлларни ўзида гипераккумуляция қилиш қонуниятига тескари пропорционал турувчи сабзавот-полиэ ўсимликларини (помидор \rightarrow қовоқ \rightarrow шолғом \rightarrow булғор қалампери \rightarrow қовун \rightarrow тарвуз \rightarrow сабзи) оғир металлларнинг хавфлилик даражаси бўйича ўта хавфли, яъни 1-синфга кирувчи Se, As, Pb, Cd, Zn, 2-синфга мансуб Ni, Cu, Cr, 3-синфга кирувчи Mn элементлари билан ифлосланган майдонларда жойлаштиришга қаратилган экологик қатори ишлаб чиқилган.

5. Тупроқ таркибида ҳаракатчан шаклдаги оғир металллардан Cd \rightarrow Pb \rightarrow Cr \rightarrow Ni элементлари билан ифлосланиш рухсат этилган меъердан, мос равишда, 1,55; 2,45; 7,22; 12,12 марта ортиқ эканлиги кузатилган.

6. Қишлоқ хўжалик экинларида рухсат этилган меъердан маргимуш 1,5-3,5, кадмий элементи 2,3, хром 0,18-2,3, мис 1,8-4,5, никель 3,22-3,53, кўрғошин элементи 1,56-3,08 мартагача ортиб бориши қайд этилган.

7. Қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган сабзавот-полиэ экинларида оғир металллар элементларининг аккумуляция даражаси бўйича қуйидаги аккумуляцияси пасайиб борувчи оғир металллар қатори (As \rightarrow Cd \rightarrow Cr \rightarrow Cu \rightarrow Fe \rightarrow Hg \rightarrow Ni \rightarrow Pb \rightarrow Sb \rightarrow Se \rightarrow Zn) аниқланиб, бу металллар элементлари билан ифлосланган майдонларда ўсимликларни экологик ҳолат бўйича жойлаштириш тартиби ишлаб чиқилган.

8. Тупроқларнинг ифлосланиш ҳолати бўйича ишлаб чиқилган ва жорий этилган 3D экологик хариталарида келтирилган маълумотлар асосида фермер хўжаликларида мавжуд экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш, ошириш ҳамда экологик жихатидан самарали бўлган чора-тадбирларни олиб бориш тавсия этилади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ
СТЕПЕНИ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
PhD.03/30.06.2020.В.70.03. ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНОЙ СТЕПЕНИ
ПРИ КАРШИНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

КАРШИНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

УЗАКОВ ЗАФАР ЗАИРОВИЧ

**НАКОПЛЕНИЕ ТЯЖЕЛЫХ МЕТАЛЛОВ В ОРОШАЕМЫХ ПОЧВАХ,
ОВОЩНЫХ - БАХЧЕВЫХ КУЛЬТУРАХ И ИХ ЭКОЛОГИЧЕСКОЕ
СОСТОЯНИЕ**

03.00.10 – «Экология»

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по биологии**

Карши – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2020.3.PhD/B495.

Диссертация выполнена в Каршинском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного Совета (www.qarshidu.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Каримов Хуснидин Нагимович
доктор сельскохозяйственных наук,
старший научный сотрудник

Официальные оппоненты: Мамбетуллаева Светлана Мирзамуратовна
доктор биологических наук, профессор

Абрахманов Тохтасин
кандидат сельскохозяйственных наук, профессор


Ведущая организация: Бухарский государственный университет


Защита диссертации состоится «12» 10 2021 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD 03/30.06.2020.B.70.03 при Каршинском государственном университете (Адрес: 180103. Карши, улица Кучабог, 17. Тел.: (0375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz). Каршинский государственный университет, Педагогический факультет, кабинет № 201.


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каршинского государственного университета (зарегистрирован за № 66). (Адрес: 180103. Карши, ул Кучабог, 17. Тел.: (0375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qardu@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан «12» 10 2021 года
(реестр протокола рассылки № « » от « » 2021 г.).




Ш.К. Курбанов
Председатель научного совета по
присуждению учёной степени,
доктор биологических наук, профессор


Ш.А. Саматова
учёный секретарь научного совета
по присуждению учёной степени,
кандидат биологических наук, доцент


Л.Х. Ёзиев
председатель научного семинара при
научном совете по присуждению учёной степени,
доктор биологических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. Сегодня во всем мире токсичные элементы негативно влияют на окружающую среду. Особенно, это приводит к загрязнению продукции, выращиваемых в сельском хозяйстве. Соответственно, имеет важное значение разработка мероприятий, направленных на выращивание экологически чистой продукции, восстановление плодородия почв, улучшение их экологического состояния и поддержание чистого состава и экологической чистоты продукции, выращиваемых на сельскохозяйственных землях.

Во всем мире проводятся научные исследования для определения состояния экологического загрязнения почвы и накопления подвижных форм токсикантов в слоях почвы, выявления загрязненных участков окружающей среды, получения высоких и качественных урожаев от посевов. В связи с этим, во многих странах большое внимание уделяется мероприятиям по снижению негативных воздействий тяжелых металлов и остаточных пестицидов на экологию почвы, совершенствованию методики оценки состояния загрязнения, выявлению негативных процессов, обоснованию статуса загрязнения, анализу экологического состояния почв и совершенствованию мероприятий, проводимых землепользователями.

В нашей Республике достигаются определенные результаты в обнаружении и сокращении накапливаемых в почве токсичных элементов, улучшении состояния окружающей среды и восстановлении загрязненных территорий. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан¹ определены важные задачи по «последовательному развитию сельскохозяйственного производства, дальнейшему укреплению продовольственной безопасности страны, расширению производства экологически чистой продукции, значительному увеличению экспортного потенциала аграрного сектора». Исходя из этих задач, изучение экологического состояния широко используемых сельскохозяйственных земель во всех регионах страны, выявление плохо обрабатываемых земель, создание экологических карт полей, загрязненных токсичными веществами, исходя из разработанных экологических карт полей, выборочное размещение растений, выращиваемых в сельском хозяйстве, мало усваивающих элементы, распространённые в токсической среде, имеет важное научно-практическое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализация задач, поставленных в указах Президента Республики Узбекистан №УП- 4947 «О Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 г. №ПФ-5742 от 17 июня 2019 года «О мерах по эффективному использованию земельных и водных ресурсов в сельском хозяйстве»², в Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан

¹Указ Президента Республики Узбекистан № УП- 4947 «О Стратегии дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года.

²Указ Президента Республики Узбекистан № ПФ-5742 «О мерах по эффективному использованию земельных и водных ресурсов в сельском хозяйстве» от 17 июня 2019 года.

от 3 июня 2021 г. № 343 «Мониторинг источников, загрязняющих почвы», включённый в программу мониторинга естественной окружающей среды Республики Узбекистан на 2021-2025 годы, а также в других нормативно-правовых документах, относящихся к данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование проведено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Исследования по накоплению тяжелых металлов в орошаемых почвах, в составе растений и выявлению их влияния проводились такими зарубежными учёными, как В.В.Добровольский (1988), Ю.Н. Водяницкий (2008), А.П. Виноградов (1957), Ю.В. Алексеев (1987), Л.И. Даль (2015), В.К.Лукашев (1996), В.Б.Ильин (1991), Кабата-Пендиас А (1989), А.Ф. Титов (2014), С.Л. Давыдова (2002), А.М.Семушев (2003), Р.Х.Пожидаева (2006), С.Г. Малахов (1983), М.М. Овчаренко (1995), А.В.Бердникова (1981), А.В.Рудь (2007), В.Н.Савосько (2016), Н.П. Неведров (2017), А.К. Сагателян (2013), С. Reimann (1998), Нгуен Чунг Киен (2015), Li.Wei-Xin (2008), D.L.Sparks (2020), W. Mertz (1993), K.G. Tinker (2001), M.A. Turner (1994) и учёными Узбекистана Х.Т. Рискиева (1990), Х.Х. Турсунов (1990), Т. Абдрахманов (1995), С.М. Мамбетуллаева (2015), Х.Н. Каримов (1996), Р.Р. Рискиев (2000), С.А.Низамов (2006) и другие.

Однако, в проанализированных научных исследованиях сведений по разработке экологических карт, отражающих количество тяжелых металлов и остаточных пестицидов, накапливающихся сегодня в почвах территории Центрального Узбекистана, и оценке экологического состояния почв, а также по определению ряда сельскохозяйственных растений, мало усваивающих токсикантов из загрязнённых почв, недостаточно. Соответственно, реализация результатов данной диссертации дополняет научные и практические сведения об изучаемой проблеме.

